



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «8» июль

VI-30-30-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун берилётган моддий ёрдам ҳамда субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий контракт тизимини жорий этиш тўғрисида**

Давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун берилётган моддий ёрдам ҳамда субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий контракт тизимини жорий этиш тўғрисидаги вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи С.Жумаевнинг ахбороти Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясида эшитилганлиги ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йилнинг 11 май кунидаги ЗООМ дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман (шаҳар) ҳокимлари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг биноларида иш қидираётган шахслар учун мустақил равишда резюме тўлдириш, бўш иш ўринлари кидириш, иш берувчилар билан суҳбатлашиш, маслаҳат олиш, карьера режаларини тузиш, ягона миллий меҳнат тизимидан фойдаланиш, ҳужжатлар расмийлаштириш ва бошқа шарт-шароитларга эга “Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ҳудуди”ни ташкил этсин ва ижроси юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2021 йил 1 августга қадар ёзма ахборот киритсин.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Гаиров) туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон қарорига асосан ҳар бир маҳаллага жалб этилган меҳнат инспекторининг “жамоат ёрдамчи”лари ҳамда маҳалла вакиллари орқали вазирлик мақсадли жамғармаларидан ажратилган субсидия маблағлари ҳисобига қуриб берилган иссиқхоналар фаолиятининг доимий мониторингини ташкил этсин ҳамда

мониторинг натижасида бевосита бошқа тегишли давлат ташкилотлари билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган тақдирда, ҳамкорликда камчиликларни бартараф этсин ва фуқароларнинг иссиқхонадан самарали фойдаланишини таъминласин ҳамда иссиқхонадан унумли фойдаланаётган бошқа туманлардаги иссиқхона эгаларининг тажрибасини ўрганиш ишларини ташкил этсин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳар чорак якунида ёзма ҳисобот киритиб борсин.

4. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов):

давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун берилаётган моддий ёрдам ва субсидиялар самарадорлигини ошириш;

даромади юқори бўлган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун, қолган 467 нафар фуқароларга шаҳар типидан сотиб олган уй-жойлар бошланғич бадалларининг бир қисми учун ёки кредит фоизининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва натижаси бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2021 йил 25 июлгача ёзма ахборот киритсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ш.Холлиева) зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.